

Ўш шаҳрида «Имом ота» жоме масжиди очилди



19:13 / 09.08.2021 2435

Жорий йилнинг 8 август куни Қирғизистон Республикаси Ўш шаҳрида янги «Имом ота» жоме масжидининг очилиш маросими ўтказилди.



Маросимда бир қатор улуғ устозлар, аҳли илмлар, олимлар ҳамда юртимиз уламолари иштирок этишди. Жумладан, «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф» жоме масжиди имом-ноибни Ҳасанхон Яхё Абдулмажид ушбу маросимга ташриф буюриб, халқимиз номидан эзгу тилак ва саломларни, хусусан, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раҳбарияти ва бошқа барча аҳли илмларимизни табрикларини етказдилар.





Янги бунёд этилган «Имом ота» жоме масжиди барча мусулмонларга муборак бўлсин!